Ушбу сонда:
2 ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ЧОЛҒУ КЎТАРГАН БОЛА унинг иқтидори кутилган даражадами?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 22 июн, чоршанба № 98 (1939)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯНГИ КОЛЛЕЖ

***Янгиобод тумани маркази - Баландчақир қишлоғида агроиқтисодиёт коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. 450 ўқувчига мўлжалланган, 50 ўринли ётоқхона ва бошқа барча қулайликларга эга бўлган ушбу коллеж биносини «Электромонтаж» масъулияти чекланган жамият қурувчилари барпо этди.***

Маҳаллий дастур бўйича бу йил вилоятда 6 та коллеж биноси қуриб ишга туширилади. Хусусан, Ғаллаорол туманининг Лалмикор, Зомин туманининг Пишоғор қишлоқларида қурилаётган касб-ҳунар коллежлари биноларини ҳам истиқлол байрамигача битказиш мақсадида жадал иш олиб борилмоқда. Бу йил вилоят бўйича 1770 нафар йигит-қиз Билимлар кунини янги қурилган коллежларда кутиб олади.

# МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК

## энг азиз, энг буюк неъмат




***Тошкентда бўлиб ўтган ёшларнинг ватанпарварлик фестивали, йигит-қизларимизнинг, барча фуқароларимизнинг узоқ вақт ёдида қолади. Ушбу фестивал ёшлар қалбида ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига содиқлик каби ҳис-туйғуларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди. Уни кузатган ҳар бир инсон Ўзбекистоннинг ёш авлод вакиллари ўз тақдирини она Ватан тақдири билан чамбарчас боғлаганликларини, улар бизга чинакам бахт эшигини очган мустақиллик моҳияти-ю, аҳамиятини, қандай буюк аждодларнинг ворислари эканликларини теран англаётганликларини қалбдан ҳис этди.***

### ЎЗЛИГИМИЗНИ ЯНАДА ТЕРАНРОҚ АНГЛАДИМ

**А. ДАМИНОВ,**
**талаба**

— Саккиз мингга яқин йигит-қиз иштирок этган фестивални ҳаяжон, айни пайтда завқ-шавққа тўлган ҳолда кузатдим. Ёшлар қиёфасидаги кўтаринкилик, қатъиятлик, шижоат, айни пайтда гўзаллик кўп нарсани англатиб турарди. Улар келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг бахтли ворислари, қалбларида миллий ғурур жўш урган фидойилардир. Давлатимиз раҳбарининг фестивал шиорига айланган сўзларида тенгқурларимнинг орзу-умидлари ўз ифодасини топган: Она юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш учун ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўламиз, жипслашиб ҳамкору ҳамжиҳатликда ҳаракат қиламиз.

Биз - ёшлар ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга асло бефарқ эмасмиз. Ўзимизни шу юрт келажаги учун жавобгар деб ҳис қиламиз. Биламизки, эзгу-ниятларга осонликча эришилмайди. Ҳаётда дўст бор, душман бор. Шу чиройли ҳаётимизни, мустақил юрт эришаётган ютуқларни кўролмаётганлар нима қилиб бўлса ҳам тинчлигимизга рахна солишга уринмоқда. Бироқ бу хомхаёл ёвузлар ҳеч қачон шум ниятларига етолмайдилар.

Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳаётида тасодифан бўлган воқеа эмаслиги энди ҳаммага аён. Барча фожеаларнинг иштирокчиларию сабабчилари ақлини йўқотган бахтсиз кишилардир. Яқинда Бухоро вилоятининг ғаллакорлари ҳузурида бўлдим. Одамлар қизғин меҳнат билан банд. Бўлиқ бошоқлар хирмон ҳар йилдагидан баракали бўлишини кўрсатмоқда. Мени тўлқинлантирган нарса шуки, деҳқонлар кун ниҳоятда иссиқ бўлишига қарамасдан садоқатларини амалда намойиш этиб, ғалла ўримини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Эл бойлиги нест-нобуд қилинмай қабул пунктларига элтилмоқда. Ҳа, биз яшашни, яратишни, ҳалол меҳнат қилишни, она заминни севишни, унга садоқатли бўлишни биламиз. Эътиқоди мустаҳкам, ягона мақсад остида бирлашган халқни эса ҳеч ким, ҳеч қачон енголмайди!

### ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

**Ш. ТУРСУНОВ,**
**фермер**

— Ватанпарварлик фестивали ёшларимиз куч-қудратини, уларнинг Ватанга, Президентимизга эътиқоди, садоқати нақадар кучлилигини ёрқин намойиш этди. Ишонч, ҳамжиҳатлик, мақсад сари дадил интилиш каби фазилатлар айниқса ҳозирги кунда бекиёс аҳамият касб этади. Анжуманни завқланиб томоша қилар эканман, Ўзбекистон келажаги ишончли қўлларда, деган фикр онги-шууримдан мустаҳкам жой олди. Ана шундай ажойиб фазилатли, билимли, ғайратли ёшларимиз бор экан, Ватан қўрғонига асло дарз етмагайдир.

Андижон воқеалари қанчалик изтиробли бўлмасин халқимизни катта синовдан ўтказди. Мен оддий бир фуқаро сифатида тошкентлик пенсионер Анфим Хлизовнинг "Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?" мавзуидаги хатида ҳар бир инсонни ўйлантирадиган, мушоҳада юритишга ундайдиган саволларга жавоб излаганлиги ҳис қилдим. Чинданам хориждаги баъзи оммавий ахборот воситалари уйдирмалар тарқатишга зўр берганлиги кишини ажаблантиради. Нима ҳам дердик, уларга қийин. Ахир хўжайинларининг буюртмасини бажаришлари керак-да...

Яна бир нарса юрагимизга оғир ботди. Ўзбекистон халқи терроризм балоси билан курашиб турган бир пайтда айрим давлатларнинг баъзи сиёсатдонлари республикамиз ҳукумати ҳаракатларини қўллаш, амалий ёрдам бериш ўрнига асоссиз даъволарни қўйганлигини нима деб тушуниш мумкин. Тўғри таъкидлашади, ўз халқимиздан, она юртимиздан қўймасин. Президентимиз атрофига янада маҳкам жипслашиб, мустақиллигимизни, тинчлик-осойишталигимизни кўз қорачиғидай асрайлик.

# ИШЛАГАНГА — ИМКОНИЯТ КЕНГ

## Президент фармонларини, қарорларини ўқиб...

***Ўзбекистонда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.***

***Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ушбу қоида талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчиллик билан жорий этилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бугунги кунда нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижий экспертлар ҳам юртимизда хусусий бизнес ва тадбиркорлик муҳити талаб даражасида эканини эътироф этмоқдалар.***

Президентимиз Ислом Каримов ўтган ҳафтада имзолаган янги фармонлар бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Гап, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркин-

Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу ҳужжатлар, аввало, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, улар-

тиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳволи танқидий-таҳлилий ўрганилганини қайд этиш зарур. Шу асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунлар ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг рўйхати тузилган эди.

Бугун биз аҳамиятини

лаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳақида бормоқда.

Дарвоқе, куни кеча шу туркумдаги ҳужжатларнинг давоми - Президентимиз 20 июнда имзолаган «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон эълон қилинди.

Ишбилармонлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, фермерлар, умуман, кенг жамоатчилик бу ҳужжатлар билан танишиб, уларни «ислоҳотларни янги босқичга кўтариш пойдевори», «туб ўзгаришлар учун ҳуқуқий асос», «янги имкониятлар берадиган янги дастурлар», «тадбиркорга қанот бағишлаган чора-тадбирлар» ёхуд «адолатнинг амалдаги ифодаси» дея юқори баҳоламоқдалар.

нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик борасида муҳим аҳамият касб этади.

Даставвал, ушбу ҳужжатлар шу кеча-кундузда туғилган фикр-мулоҳазалар ҳосиласи эмас, аксинча, Президентимиз шу йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми эканига эътибор қаратиш жоиз.

Юртбошимиз ўз маърузасида асосий устувор вазифа ўзгармас, яъни бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат эканига урғу берар экан, шуни қатъий таъкидлаган эди: «мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Шу ўринда Президентимиз талабидан келиб чиқиб, жойларда бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва чуқурлаш-

таъкидлаётган Президент фармонлари ва қарори ислоҳотларнинг амалдаги босқичида хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлашга ва, умуман, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган, қабул қилиниши кўзда тутилган ана шу туркум ҳужжатларнинг дастлабкиларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатларнинг ҳар бири, ҳар бир ҳужжатдаги алоҳида модда, ҳар битта қоиданинг ўзи ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мисол тариқасида «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни олсак, унда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилиши белгиланган. Ушбу қоида дунёнинг ривожланган давлатлари каби мамлакатимизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтилаётганидан далолат беради.

***(Давоми 3-бетда)***

## АНДИЖОН ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН СОВҒАЛАР

***Андижон вилоятидаги ўрта умумтаълим мактабларига спорт кийимлари, футбол, волейбол ва баскетбол тўплари - умумий қиймати 57 миллион сўмдан ортиқ спорт товарлари топширилди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бу совғаси вилоятнинг 561 минг ўқувчи таълим олаётган барча 744 мактаби ўртасида тақсимланади.***

Андижон вилояти олимпия захиралари коллежида бўлиб ўтган совғаларни топшириш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Бу ерда коллеж тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ва жамоатчилик вакиллари тўпланди. Болаларни табриклаш учун Ўзбекистоннинг таниқли спортчилари - боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, дзюдочи Абдулла Тангриев ва таэквондочи Ирина Кайдашова ташриф буюрди.

- Бу байрамда қатнашиш мен учун кутилмаган воқеа бўлди, - дейди олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев. - Мен яқинда АҚШдан навбатдаги жангимни ўтказиб қайтдим. Андижонликлар, дўстларим, айниқса, спортга энди кириб келган ёшлар билан мулоқот - Ватандан йироқда одам соғинадиган ҳаяжонли дамлардир. Болалар спортига келсак, мамлакатимиз Президентининг ғамхўрлиги туфайли ёшларимиз жисмонан ва маънан соғлом ўсиш учун барча имкониятларга эга.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Андижон вилояти бўлими директори Мадаминжон Соиповнинг маълум қилишча, йил охиригача қишлоқ жойларида 12 та спорт объекти фойдаланишга топширилади. Уларнинг иккитаси июнь охирида ишга тушади. Ушбу мақсад учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Жамғарма ташкил этилганидан буён унинг вилоят бўлими томонидан 1040 та спорт секцияси очилган бўлиб, уларда 25 мингга яқин бола севимли спорт турлари билан шуғулланмоқда. Бу секциялар 16 миллион сўмлик жиҳозлар ва ускуналар билан жиҳозланган.

- Таътил пайтида жамғарма биринчи марта мактаб ўқувчилари ўртасида «Ёз-2005» спорт турнирини ўтказмоқда, - дейди жамғарма матбуот котиби Анвар Мурсақулов. - Уч босқичли беллашувлар дастурига спортнинг 15 тури бўйича мусобақалар киритилган. Айни пайтда мусобақаларнинг биринчи босқичи - маҳаллалар турнирлари ўтказилмоқда.

Совғаларни топшириш доирасида мактаб ўқувчиларининг республика олимпиадалари ва танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИЛДИ

«Мен икки нафар фарзандим билан турмушимдан ажралиб, онам қарамоғида яшаяпман. Онамнинг вояга етган икки нафар ўғли бўлиб, уларни уйлантириш учун жой йўқ. Чунки биз яшаётган уй тўрт хонадан иборат, унда икки оила, 6 киши яшаяпмиз. Шу сабабли хўжалик бошқаруви ва туман ҳокимлигига бир неча бор томорқа ер сўраб аризалар бердим. Лекин барчаси натижасиз қолаяпти.

Олти йилдан буён сарсон бўлиб, бормаган жойим қолмади. Лекин айрим раҳбарларнинг аризамизга жавоб тариқасида «Хўжаипок» сув селгалари оқадиган тошлоқ ердан томорқа беришлик учун қарорлар чиқариши кўпчиликни ҳайратлантираяпти. Берилган томорқа биз яшаётган жойдан 5 километр узоқликда жойлашган бўлиб, у ерга бориб-келишнинг имконияти йўқ. Шу боис бизга амалий ёрдам беришингизни сўрайман».

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги маҳаллада яшовчи Анорхол Чориеванинг таҳририятга йўллаган шикоят-аризаси вилоят ҳокимлигига чора кўриш учун йўлланган эди. Қуйида шу хат юзасидан жавоб хати олинди.

Ариза муаллифи А.Чориеванинг томорқага муҳтож оила эканлиги ва томорқа олиш учун навбатга турганлиги ҳисобга олиниб, яқин орада ер ажратилади. Бундан ташқари, Корлик ширкат хўжалигига қарашли фойдаланмай турган иморатнинг икки хонаси вақтинча яшаб туриш учун унга ажратиб берилди.

**Р.АЛИМОВ,**
**Олтинсой тумани ҳокими**

## ДИЛШОД ВА АРТУР - ЧЕМПИОН!

Россиянинг Хасавюрт шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақада 55 килограмм вазн тоифасида курашган ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Халқаро турнирнинг энг қизиқарли беллашувлари энг оғир вазнли - 120 килограмм тош босадиган полвонлар ўртасида кечди. Унда Сидней Олимпиадаси кумуш медали совриндори, «Афина-2004» Олимпиадаси ғолиби ва жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур Таймазовга тенг келадигани топилмади. Финалда кубалик Родригесни мағлуб этган ўзбекистонлик эркин курашчи халқаро турнирнинг олтин медали билан тақдирланди.

*Мониторинг якунлари нимани кўрсатди*

# ХУСУСИЙ КОРХОНА

## тўғрисидаги қонун талаблари бузилганда

***Бозор иқтисодиёти тизими шаклланаётган ҳозирги тараққиёт босқичида тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган Фармон ва қарорлари бунинг яққол далилидир.***

Бугунги кунда республикамизда 94885 та хусусий корхона давлат рўйхатига олинган бўлиб, айни пайтда уларнинг 60089 таси фаолият кўрсатаяпти.

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган мониторинг жараёнида баъзи хусусий корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслик сабаблари ўрганиб чиқилди. Жумладан, Наманган вилоятида 130 та корхоналарда асосий фаолият тури савдо-сотиқ бўлиб, уни амалга ошириш учун етарли пул маблағи йўқлиги, улгуржи савдони амалга оширувчилар учун устав жамғармасининг белгиланган энг кам миқдорини шакллантирмаганлиги, кредит фоизларининг юқорилиги сабаб иш юрита олмаётганлиги маълум бўлди. Худди шундай бошқа вилоятларда ҳам хусусий корхоналарнинг назорат қилувчи органлар томонидан қўлланилган молиявий жариманинг тўлай олмаганлиги, зарур бўлган хомашё етарли эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра фаолиятини тўхтатганлиги аниқланди.

Бу маълумотларнинг барчаси умумлаштирилиб, корхоналарнинг келгусида фаолиятларини юритиш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Ўтказилаётган ўрганиш, таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим давлат идоралари томонидан тадбиркорликнинг, шу жумладан, хусусий корхоналарнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларни рўйхатга олишда, қонун билан берилган имтиёзларни қўллашда, банкда ҳисоб рақами очишда, кредит ва бошқа банк хизматларини кўрсатишда, назорат қилувчи идоралар томонидан уларнинг фаолиятларини текширишда ва молиявий жарималарни қўллашда қонунбузилишлар содир этилмоқда.

Хусусан, республика бўйича 863 та ҳолатда «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Қонунбузилишларнинг хусусиятига кўра таҳлил қилинганда хусусий корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишда 153 та, лицензия ва бошқа рухсатномалар олишда 97 та, солиққа оид 96 та, кредит ажратишда 47 та ва бошқа қонунбузилиш ҳолатлари 259 тани ташкил этади.

Қонуннинг 11-моддасида давлат рўйхатидан ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарилиши кўрсатилган. Бу жараён Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарорида «бир йўла» принципи асосида амалга оширилади. Бироқ айрим рўйхатга олиш инспекциялари хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказишда ўз вазифа ва мажбуриятларини бажармаяпти. Масалан, Учтепа тумани ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан «Эъзоза барака» хусусий корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлсада, унга муҳр ва тамға ясатиш учун рухсатнома олиб берилмаган. Оқибатда, корхонанинг ўзи ушбу рухсатномани туман ИИБ дан олишга мажбур бўлган.

Юқорида келтирилган қонунга асосан хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисоб варақлари очиши кўрсатилган бўлса-да, аммо ҳанузгача тижорат банклари билан бўлаётган муносабатларда ҳам қонунбузулишларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, хусусий корхоналарга банк хизматлари кўрсатишда, кредит ажратишда оворагарчиликлар, ўз маблағларидан эркин фойдалана олмаслик ҳамда фаолиятлари учун зарур вақтда нақд пул билан таъминланмаслик муаммолари кўплаб учрамоқда. Масалан, АТ «Пахтабанк» Кармана бўлими томонидан «Тибтаъминот» хусусий корхонасининг 157 минг сўм олиш учун тақдим этган чекига асосан, корхонага нақд пул берилмаган. Ушбу ҳолат бўйича киритилган тақдимномага асосан банк бош ҳисобчиси Д.Мардонова интизомий жавобгарликка тортилди.

Қонунда хусусий корхонанинг мол-мулки национализация ва реквизиция қилинмаслиги ҳар қандай фаолият турларини амалга оширишиши, корхона фаолиятини текшириш чекланганлиги тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар белгиланиб, уларнинг ҳимояси янада мустаҳкамланди.

Бироқ таъкидлаш жоизки қонуннинг бу талабларига ҳамма жойда ҳам бир хилда амал қилинмаяпти. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларнинг маблағларини жалб этиш ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайган бўлсада, бу ҳолатга бутунлай чек қўйилмаяпти. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг қарор-фармойишларига асосан 10 та хусусий корхонанинг маблағлари ноқонуний жалб этилган.

**А.АБРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи**
**Б.МАВЛОНОВ,**
**етакчи маслаҳатчи**

## ЁШЛАР ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказилаётган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ёшларининг спорт ўйинларида вакилларимиз енгил атлетика, самбо, сузиш, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши, гандбол, стол тенниси, дзюдо, қиличбозлик ва бадиий гимнастика каби спорт турлари бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон терма жамоасига дастлабки медални сузиш бўйича ўтган йили Афина Олимпиадасида қатнашган умидли спортчиларимиздан Данил Бугаков келтирди. 17 ёшли спортчимиз сузиш бўйича учинчи натижа кўрсатиб, ёшлар спорт ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг самбо беллашувлари ҳамюртларимиз учун омадли кечди. Ўзбекистонлик самбо усталаридан Қодир Султонов ҳамда Дилмурод Мавлонов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди. Икки йил муқаддам мазкур мусобақада самбо бўйича биринчи ўринни қўлга киритган Озод Пардаев бу гал бронза медаль билан кифояланди.

Ёшлар спорт ўйинларида эркин кураш беллашувларида гиламга чиққан Ф.Ўразимбетов, Б.Эрматов ҳамда А.Сохиев иккинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, Москвада жамоавий ўйин турлари бўйича беллашаётган терма жамоамиз ҳам ижобий натижаларни қайд этмоқда. Стол тенниси баҳсларида ўғил болалар терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Гандбол бўйича ўғил болалар ва қизлар терма жамоалари нимчорак финал беллашувларига йўлланма олди.

Мусобақалар давом этмоқда.

**(ЎзА)**





*«Қизилқум цемент» очиқ акциядорлик жамиятида 2300 дан ортиқ ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим самарали меҳнат қилиб келмоқда. Эътиборлиси шуки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда.*

**Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

## МЕТАЛЛУРГЛАР — матонатли кишилар

***Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинати мамлакатимиз фахрига айланган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Зеро,у ўзининг сифатли маҳсулотлари билан нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам катта нуфузга эга.***

Мустақиллик йилларида комбинат гуллаб яшнади. Шуниг билан бир қаторда бу ерда меҳнат қилаётганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор билан қаралди. Металлургларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга катта аҳамият берилди. Санаторий-профилакторийга, дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилди. Уруш, меҳнат фахрийларига, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ночор, серфарзанд оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиб борилди.

*Йиллар ва одамлар*

Шунингдек, корхона томонидан шаҳарда турар-жой бинолари қуриш ишлари тезкорлик билан олиб борилди. Янги уйларда металлурглар уй тўйларини ўтказа бошладилар. «Металлург» стадиони, маданият саройи қайта жиҳозланди. Сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

1995 йилдан корхонада бош директор лавозимида иш бошлаган А. Фармонов раҳбарлиги остида ишлар жонланиб кетди. Асосий эътибор маҳсулот турларини кўпайтириб бориш, янги технологияларни ишга жалб қилишга қаратилди. Электр билан пўлат эритиш цехи реконструкциясини ниҳоясига етказиш каби ишлар авж олди. Ижтимоий объектларга ҳам аҳамият кучайди. Металлургия коллежи, «Ёшлар уйи», «Металлург» пансионати, сузиш ҳавзаси, теннис маркази, спорт мажмуаси шулар жумласидандир.

Бир вақтлар шаҳарда битта истироҳат боғи, қишки ва ёзги клуб бор эди. Бугунга келиб, комбинат оталиғида олтита умумтаълим мактаби, ўнта болалар боғчаси, маданият саройи, 1500 ўринли теннис корти, маданият ва истироҳат боғи ва бошқа маданий-маиший объектлар мавжуд. Металлурглар шаҳарчасида савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ишчи-хизматчилар оилалари барча қулайликларга эга бўлган уйларда фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

2001 йилдаги қурувчилар Сирдарёдан алоҳида кўприк орқали ўтадиган, «Бекобод» темир йўл станциясидан корхонага кириб борадиган темир йўлни қуриб, ишга туширдилар. Янги йўл масофани бир ярим баравар қисқартирди ва юкларнинг хавфсизлигини таъминлади.

Бу ишларда Абдулазиз Холматов бошлиқ қурилиш-монтаж трести бунёдкорларининг ҳиссалари катта. Улар электрда пўлат эритиш цехи, цехда янги печни ўрнатишда ва бошқа ишларда фаол иштирок этдилар. Яқинда қурувчилар корхонага қарашли сузиш ҳавзасини капитал таъмирлаб, жаҳон талаблари даражасидаги мажмуага айлантиришди. Ҳозирда бунёдкорлар шаҳарнинг 13-даҳаси яқинида ёшлар спорт майдонини бунёд этмоқдалар.

Трестда кўплаб ўз касбининг фидокорлари меҳнат қилишади. С. Зубрилин, Я. Паластин, М. Эйзельман, А. Сухоручкин, В. Ким, Н. Ҳожиматов, И. Бутков, В. Велишаев каби ишчилар кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонишган.

Комбинат иккиламчи қора металл хомашёси – темир парчалари ҳисобига ишлайди. Республикада унинг заҳираси чексиз эмас. Истиқболда таркибида темир бўлган тоғ жинсларидан фойдаланиб, пўлат эритиш зарур. Ундан синов тариқасида ўтказилган пўлат эритиш ижобий натижа берди. Шуниг учун ҳам Ўзбекистонда таркибида темир бўлган тоғ жинсларидан металлургларнинг асосий хомашёсини ишлаб чиқарадиган тоғ қазилмалари корхонаси қурадиган битта ёки бирлашган инвесторлар комбинатга албатта керак.

Булар ҳақида «Ўзбекистон металлургия комбинати» китобида ҳам атрофлича тўхталинган. Замонамиз янги иқтисодий шароитда фаолиятга янгича ёндошишни талаб қилмоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг нияти бозордан мустаҳкам ўрин олишдир. Шу йўлда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Акциядорларнинг йиғилишларида кўп миллатли жамоа олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилиб борилмоқда. Мақсадга эришишда йиллар мобайнида тўпланган тажрибалар асқотаяпти. Зеро, корхона ўзаги йиллар давомида таркибий бўлинмалардан шаклланган. Биринчи қурувчилар, пўлат эритувчилар, прокатчилар асос солган металлурглар анъаналари шаклланди. Айниқса дастлабки авлод металлурглари комбинат ҳаётида ёркин из қолдирди. Бугунги авлод вакиллари улар бошлаган ишни муносиб равишда давом эттирмоқдалар.

Металлург бўлиш осонмас. Бу ҳар бир ишловчидан метин ирода, касбга садоқат ҳамда чуқур изланишни талаб этади. Не бахтки, комбинат фидокорлари ишончни оқламоқдалар. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси инсон омилига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш жойида. Ишловчиларнинг кўнгилли дам олиши, саломатликларини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар яратилган. Эътироф этиш лозим, бу ердаги ҳар бир киши Ўзбекистоннинг энг нуфузли корхоналаридан бирида фаолият юритаётганлиги, металлурглар оиласига мансублиги билан ҳақли равишда фахрланади.

**Т. ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири**

***Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида саноат ҳам жадал ривожланди. Асакадаги жаҳон автомобилсозлигининг гигант корхоналаридан бири – «ЎзДЭУавто» эндиликда 80 минг квадрат метр жойни эгаллаган. Корхона йилига 60-70 мингта «Нексия», «Матиз», «Лассети» енгил машиналарини ишлаб чиқармоқда.***

Эндиликда вилоятдаги ўнлаб қўшма корхоналар харидоргир, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етказиб беришга ҳаракат қилмоқда. Хонобод шаҳридаги «Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг Финляндияда ҳам мижозлари бор. Ушбу корхонанинг вакиллари яқинда Финляндиянинг энг йирик компанияларидан бирининг меҳмони бўлишди. Тажриба алмашинди, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Хўжаобод ерости газ омбори, томат паста ишлаб чиқарадиган «Маск» Ўзбекистон-Россия-Буюк Британия, «Антекс» тўқимачилик мажмуаси, мева-шарбат тайёрлайдиган «Андижон дурдонаси», электрод етказиб берадиган «Ривож-Тянь-Жин» каби қўшма корхоналар бевосита мустақиллик йилларида қурилиб ишга туширилганлиги билан қадрлидир.

## КИМЛИГИМИЗНИ БИЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР биз қурган биноларга боқишсин

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 6 та олий ўқув юрти, 50 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи, академик лицейлар фаолият юритмоқда. 3 мингга яқин олим, фан доктори, профессорлар ёшларга илм сирларини кунт билан ўргатишмоқда. Эътиборлиси шуки, Андижон Давлат университети жамоасининг Германия элчихонаси таълим бўлими ҳамда Гёте олийгоҳи билан илмий-техника фанлари йўналишидаги бирадарлашуви яхши самаралар бермоқда.

Вилоят пойтахти Андижон шаҳри сўнгги йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бунёд этилган замонавий бинолар, кенг ва равон кўчалар, хиёбонлар, фавворалар ажиб бир гўзаллик бахш этди. Аэропорт том маънода шаҳарнинг фахрига айланган. Қайта таъмирланган, халқаро андозаларга мос кутиш зали кеча-кундуз ишлайди. Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи шаҳарликларнинг севимли гўшасига айланган. Замонавий архитектура асосида қад ростлаган бозор мажмуи барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

2005-2006 йилларда вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Мақсад кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари яратишдир.

**С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## НАМАНГАН ТАДБИРКОРЛАРИ

***Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Хусусан, Наманганда улар учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилган ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Қуйида уч тадбиркорнинг фаолияти ва қўлга киритган ютуқлари ҳақида ҳикоя қиламиз.***

### "ЧАШМАИ САФЕД" МАҲСУЛОТЛАРИ

Пойтахтга йўлим тушганда сут маҳсулотлари дўконига кирдим. Маҳсулот тури анча кенг бўлиб, улар орасида пастки қисми тумор, иккинчи учи эса найза шаклида ишланган идишдаги сутга талаб катта эканлигини пайқадим. Сотувчидан маҳсулот қаерда ишлаб чиқарилаётганини, нима сабабдан харидоргирлиги ҳақида сўрадим.

- Маҳсулот Косонсой тумани "Чашмаи сафед" хусусий корхонасига қарашли бўлиб, буюртма асосида олиняпти, - деган жавобни эшитдим. - Харидори сероблигининг боиси шуки, биринчи навбатда экологик жиҳатдан ниҳоятда тоза, иккинчидан, тоғолди ва сувга сероб ҳудудда боқилаётган сигирларники бўлгани учун сути ёғли, турли хил дармондориларга бой. Жуда кўп касалликларга шифобахш ҳам дейишади.

Ушбу хусусий корхонада илгари ҳам бўлиб, унинг эгаси Ҳамидхон Мўйдинов билан суҳбатлашганмиз. Ҳамидхон оддий, меҳнаткаш ва камтарин йигит. 1994 йилда давлатдан 8 миллион сўм кредит олди. Бу пулга Россия ва Туркиядан замонавий ускуналар, жиҳозлар келтирди. Кейинроқ эса Германиядан ҳам машиналар сотиб олди ва Косонсой шаҳрига туташ Гўрмирон қишлоғидаги чорва ҳайвонлари учун озуқа тайёрлайдиган цехни харид қилиб, бу ерда сутни қайта ишлайдиган корхона очди. Ҳозирда бу ерда кунига 5 тонна сут қайта ишланиб, қаймоқ, бринза, сариёғ каби 14 турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхонани хомашё билан узлуксиз таъминлашга эришиш учун ўндан ортиқ фермер билан шартнома тузилган.

- Навоий номли ширкат хўжалигининг касодга учраган чорва фермасини сотиб олдик. Ҳозирги кунда бу ердаги аҳволни ўнглаб, кунига 2 - 3 тоннагача сут соғиб олинмоқда, - дейди суҳбатда Ҳ. Мўйдинов. - Чорва таъминоти учун 110 гектар ер майдони ҳам ажратиб берилди. Маҳсулотимиз қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларига, шунингдек, Тошкент шаҳридаги савдо шохобчаларига ҳам жўнатилмоқда. Кўрилаётган фойда ҳисобига ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда. Туманимиздаги учта мактаб биносини таъмирлаб беряпмиз. Кам таъминланган 50 оилага бахоли қудрат кўмак кўрсатмоқдамиз. Келгусида маҳсулот турини янада кўпайтирамиз.




### КЎПИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНЯПТИ

Илгарилари 95-чойлар қанчалик эъзозланганлигини кўпчилик яхши билади. Кўпинча бу чойлар "Пештахта остидан" сотиб олинарди. Бугунги кунда бу турдаги ичимлик, айниқса, Наманган бозорида сероб.

- Ахир, бу чойлар тури ўзимизда ишлаб чиқарилади-да, - дейишади мижозлар фахр билан.

Ҳозирда шаҳарнинг марказий савдо тармоғи "Чорсу" деҳқон бозорига кириб қолсангиз, алоҳида "Чой" растасига дуч келасиз. Бу ерда қадоқланган ва қадоқланмаган, майда ва йирик, шунингдек, кўк ва помил чойларнинг ўнлаб турига дуч келасиз. Бу гапларга ажабланаётгандирсиз балки? Ахир, вилоятда чой етиштирилмайди-ку? Аммо эпчил йигитлар бунинг ҳам эпини қилишди. Қандай қилиб дейсизми?

Меҳнат фаолияти давомида хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаган Ҳабибулло Мирзаахмедов ака-укалари билан маслаҳатни бир жойга қўйиб Наманган - Уйчи йўлининг шаҳардан чиқаверишида, Машад қишлоғи яқинида қадимий иморатни сотиб олишди. Шу ерда маҳаллий шароитда энг харидоргир саналган чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга бел боғлашди. Шу мақсадда чой етиштирувчи қатор мамлакатларда бўлишди ва Хитой Халқ Республикасидаги "Ан-Хо" компаниясини ҳамкорлик учун маъқул, деб топишди. Шу тариқа корхонага зарур машина ва механизмлар топиб келтириб, ўрнатиш ишлари авж олдириб юборилди.

1998 йилда "Ал Жаҳон" Ўзбек - Хитой қўшма корхонасининг дастлабки маҳсулоти сотувга чиқарилди. Ҳозирги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулот Фарғона водийси аҳолисининг чойга нисбатан эҳтиёжини бемалол қондирмоқда.

- "Ал Жаҳон" ўз фаолиятини тобора кенгайтириб боряпти, - дейди корхонанинг ижрочи директори Юсуфжон Мўминов. - Фирма қошида аҳолига хизмат кўрсатувчи шохобчалар ҳам ташкил этилган. "Бунёд" номли сочиқ ишлаб чиқарувчи кичик корхона фаолият кўрсатяпти. Унинг асосий қисми Россияга экспорт қилинмоқда. Умуман, шу кунда корхонамизда 100 дан зиёд йигит-қиз ишга жойлашишди.

### ЭЛ МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ

Давлатобод даҳасидаги Фарғона каналининг ўнг қирғоғида, кўп қаватли уйлар бошланишида кўримсиз, хилват жой бўларди. Негадир, шу жойни ободонлаштиришга ҳеч ким эътибор бермас, ёз ойларида каналда чўмилаётган болаларнинг шовқин-сурони демасангиз, доимо ҳувиллаб ётарди.

Бугунги кунда худди мана шу жой шаҳарнинг энг гавжум ва сўлим оромгоҳларидан бирига айланди. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган йигитнинг отаси Турсунбой Жамолов узоқ йиллар ҳайдовчилик қилган, кейинги йилларда дардга чалиниб, автомобил бошқаришга ярамай қолди ва шаҳардан кафтдеккина жойни сотиб олиб, чойхона очди. Орада Турсунбой ота ҳам оламдан ўтиб кетди. Бозор янгиланиб, чойхона ҳам бузилиб, тўрт ўғил турмуш сўқмоқларидан тўрт томонга кетишди. Ҳамидхон ҳам ҳар соҳада ишлаб кўрди.

- Давлатга минг раҳмат, биз сингари элга хизмат кўрсатишга бел боғлаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти, - дейди Ҳ. Жамолов. - Хилват, кўримсиз, кечалари одам ўтса қўрқадиган жойни тартибга келтириш, ободонлаштириш осон кечмади.

Шаҳар ҳокимияти тадбиркорлик учун бел боғлаган йигитни қўллаб-қувватлади. Дастлаб, мўъжазгина чойхона тикланди. Канал қирғоғи текисланди. Мавжуд дов-дарахтлар тартибга келтирилди. Янгилари ўтқазилди. Олдинига 10 - 15 киши йиғилиб чойхўрлик, ошхўрлик қилиб юришди. Ҳозирги кунга келиб "Чархпалак" оромгоҳини Наманган шаҳрининг ярим аҳолиси билади.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири**

***Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама билимдон, энг юксак технологияларда ҳам бемалол ишлай оладиган мутахассислар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқувчи ёшлар орасида илмий-техникавий, маданий-эстетик, спорт ва бошқа қатор йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат муассасаларини ташкил этиш, айниқса, ўқувчиларнинг дам олиш мавсумида улардан самарали фойдаланиш кўзда тутилгани бежиз эмас.***

## «АГРОИСТЕЪДОД» ИШ БОШЛАДИ

Ўқувчилар таътили бошланган шу кунларда Тошкент вилоятининг хушманзара Туябўғиз сув омбори /»Тошкент» денгизи/ соҳилида жойлашган «Меҳржон» оромгоҳида очилган «Агроистеъдод» ёзги мактаби бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлардан биридир.

Мактаб куни кеча мамлакатимизнинг турли шаҳар-қишлоқларида яшаб ижод қилаётган 60 нафар истеъдодли ўғил-қизни ўз бағрига олди. Бу ерда улар дам олиш билан бирга, илмий-техникавий йўналишдаги ўқув ва амалий машғулотларда қатнашади, шу соҳа мутахассислари, илмий тадқиқот институтлари профессор-олимлари билан илмий изланишлар олиб боради.

- Иқтидорли ва ижодкор ўқувчи ёшларни излаб топиш ва тарбиялаш анча масъулиятли вазифа, - дейди республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази бўлим бошлиғи Зуҳра Қодирова. - Анъанага айланган «Агроистеъдод» мактаби машғулотларида иштирок этиш ҳуқуқини бу гал вилоят техник ижодиёт марказлари қошида ёки мактабларда ташкил этилган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган махсус синфларда билим олган иқтидорли ўқувчилардан ташқари, сиртқи танловда муваффақиятли қатнашган ўнлаб ёшлар ҳам қўлга киритди.

Мактаб ўз ишини «Ижодкор-ихтирочи» болалар кўргазмаси, ракета моделлари учириш, авиамоделларнинг ҳаво жанги сингари қизиқарли машғулотлар билан бошлади. Кейинги дастурлар ҳам шу каби тадбирларга бой бўлиб, компьютерда ишлаш, кашфиёт масалаларини ечиш, кичик қишлоқ хўжалик машинаси макетини тайёрлаш, янги схема бўйича лойиҳа яратиш ва уни синовдан ўтказиш каби ўқув ва амалий машғулотлардан иборат.

«Меҳржон» оромгоҳида мазмунли ҳордиқ чиқариш учун ҳам барча шарт-шароит муҳайё. Очиқ сув ҳавзаси, спорт майдончалари дам олувчилар ихтиёрида. Кундалик дастурлардан «Тошкент» денгизи бўйлаб ҳамда пойтахтга саёҳат ҳам ўрин олган.

Ёзги «Агроистеъдод» мактаби машғулотлари 30 июнга қадар давом этади.

*Таққос*

## БИРИДА ЯХШИ, БОШҚАСИДА АКСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан Жиззах вилоятида муайян ишлар олиб борилмоқда. Мавжуд 543 та умумтаълим мактабларининг моддий-техника таъминоти, спорт заллари, ўқув бинолари, ошхона ва бошқа қўшимча биноларининг ҳолати экспертизадан ўтказилиб, техник хулосалар олинди. Унга кўра 24 та янги қуриладиган, 219 та капитал реконструкция қилинадиган, 253 та капитал таъмирланадиган ва 28 та жорий таъмирланадиган мактаблар борлиги аниқланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида дастур доирасида 3 та 660 ўқувчига мўлжалланган мактаб янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 12 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди.***

Ўтган йили туман ва шаҳар ҳокимликларининг ўз ҳудудларида ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш юзасидан дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, 434,3 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 2005 йил манзилли дастурига кўра Бахмал туманининг Ўрмонечи, Зоминнинг Қизилсой, Зарбдорнинг Сутбулоқ қишлоқларида янги мактаб бинолари қурилиши мўлжалланган.

Шунингдек, 24 та мактаб реконструкция қилиниши, 37 таси капитал, 4 таси жорий таъмирланиши режалаштирилган. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун кўзда тутилган жами маблағ 6 миллиард 803 миллион сўмни ташкил этади. Жорий йилнинг шу кунигача 4 миллиард 901 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бироқ амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам учраб турибди. Масалан, Зарбдор тумани Сутбулоқ қишлоғидаги янгидан қурилаётган 12-мактаб учун 409 миллион сўм ажратилган бўлиб, беш ойда бажарилган иш миқдори 138 миллион сўм атрофида. Бу йиллик лимитга нисбатан бор-йўғи 34 фоизни ташкил этди, холос. Бош пудратчи «Электромонтаж» масъулияти чекланган жамият бу ишга панжа орасидан қарамоқда. Ваҳоланки, мактаб биринчи сентябрга тайёр бўлиши лозим. Иш шу йўсинда давом этаверса, сутбулоқлик ўқувчилар янги ўқув йилида машғулотларни кўчада ўтказиши турган гап.

Зомин тумани марказидаги капитал таъмирланаётган 1-мактаб биноси учун 277 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Бироқ бажарилган иш ҳажми 134 миллион сўмга аранг етди. Бош пудратчи «Бунёдкор» фирмаси бўлиб, ишда сусткашликка йўл қўймоқда. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги 16, Арнасой туманидаги 19, Ғаллаоролдаги 64, Форишдаги 9, 33-мактабларда ҳам таъмирлаш ишлари режадан анча орқада.

– Айрим қурилиш ташкилотлари қурувчилари амалга ошираётган ишлар мақтовга сазовордир, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Холмирза Носиров. – Масалан, «Камол» масъулияти чекланган жамияти аъзолари кўнгилдагидек меҳнат қилишмоқда. Акром Раҳмонқулов раҳбарлик қилаётган бу жамоа 2 та мактабда қурилиш-монтаж ва реконструкция ишларини олиб боришаётир. Жамоада 200 нафар ишчи бўлиб, улар ўзларига бириктирилган юмушларни тез ва сифатли адо этишга ҳаракат қилишмоқда. Кўзи ожизлар мактаб-интернати учун янги замонавий талабларга жавоб берадиган бино қурилишини жадал суръатларда олиб боришаётир. Лекин бошқасида эса...

**Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

# МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

***САВОЛ: Меҳнат таътили, умуман меҳнат таътилларининг турлари ва улардан фойдаланиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.***

**Т.РАҲИМОВ, Ромитон тумани,**
**Г.МАТНАЗАРОВ, Гурлон тумани**

**ЖАВОБ**: Меҳнат таътили деганда ходимга иш ўрни ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътил даври тушунилади. Меҳнат таътилини турига қараб асосан уч қисмга бўлиш мумкин:

– асосий таътил;
– узайтирилган йиллик таътил;
– қўшимча таътил.

Асосий таътил МКнинг 134-моддасига биноан 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Узайтирилган йиллик таътил ходимлар ёши, соғлиғи ва меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолларни эътиборга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланади. МКнинг 135-моддасида 18 ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига 30 календар куни давомида узайтирилган меҳнат таътили белгиланган бўлса, бошқа қонун ҳужжатларида, жумладан, халқ ноиблари учун 36 кун, ўқитувчилар учун эса 48 кундан иборат меҳнат таътили белгиланган ва ҳоказо.

– Йиллик қўшимча таътил эса меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида жиҳатга эга бўлган, оғир ва ноқулай иқлим шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ёки бевосита меҳнат шартномасида кўрсатилган ҳолларда берилади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатини ва улар учун ва қўшимча меҳнат таътилининг энг ками 12 иш кунидан иборат қилиб белгилаб берилган. Булар жумласига рангли ва ноёб металлар рудасини, шунингдек, олмос хомашёсини ва плавик сифатини бойитиш, необит (локарит) рудасидан ташқари ишларда банд бўлган рентген аппаратига хизмат кўрсатувчи лаборант-рентген тузувчи ва шу каби бошқалар киради.

Шунингдек, бундай қўшимча таътил корхоналарда иш жойларини шаҳодатлаш йўли билан ёки меҳнат шартномасининг яъни иш берувчи билан ходимнинг келишувига биноан белгиланиши ҳам мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, асосий йиллик таътил билан қўшимча таътилни жамлаганда унинг умумий давомийлиги 48 иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Бундан ташқари, қўшимча таътил нафақат юқорида айтиб ўтилган асослар учун, балки бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг локал ҳужжатларида ёки иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга биноан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, шу корхонада (шу тизимда) узлуксиз меҳнат стажига эга бўлганлар учун қўшимча таътил қўшиб беришни шулар жумласига киритса бўлади.

Энди таътил муддатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, ходим беш ёки олти кунлик иш ҳафтасида ишлашидан қатъий назар, таътилнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган якшанба ҳамда иш кунига кирмайдиган байрам кунлари ҳисобга киритилмайди. Чунки булар умумий дам олиш кунларидир. Бу мисолимизда 24 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътилини кўриб чиқдик.

Меҳнат кодексининг 142-моддасига биноан йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради:

- иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт, ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, масалан судларда халқ маслаҳатчиси бўлиб ўтказган ёки малакасини ошириш учун ўқишда ўтказган даврлар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар бундан мустасно;
- меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса ёки худди шундай вазиятда ўзининг розилиги билан шу корхонада бошқа ишга қўйилган бўлса ҳам;
– тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар;
– жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Агар эътибор берган бўлсангиз, Меҳнат кодексининг 143-моддасига биноан йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: амалиётда кўпинча олти ой ишлагандан кейин таътил берилаётганда унинг давомийлиги, яъни кунлари олти ойга мутаносиб равишда берилар экан. Бу нотўғри. Меҳнат қонунчилигида меҳнат таътилини иш стажига мутаносиб ҳисоблаб бериш мумкинлиги фақат айрим ҳолатлардагина қуйидагича белгиланган. Яъни, агар ходим меҳнат таътилидан фойдаланмаган бўлса ва меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса (меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосларидан қатъий назар) бу ҳолатда таътил пулини ҳисоблаб чиқиш учун керак бўлган давр иш стажига мутаносиб равишда олинади. Демак, биринчи иш йилида 5 ой ёки 14 ой (меҳнат таътилидан фойдаланмасдан ишлаган бўлса) ва меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса энди унга таътил даври ишлаган ойларига мутаносиб ҳисоблаб чиқилади. Аниқроғи, белгиланган таътил даври 24 иш кунидан иборат бўлса, биз юқорида келтирган ишланган ойлар учун 10,28 кун таътил белгиланади. Хўш, нега энди 10 кун дерсиз? Чунки биз юқорида умумий таътилни 24 иш кунидан иборат деб олдик. Бу эса ҳар бир иш ойи учун икки иш кунидн иборат (24:12=2) меҳнат таътили деган гап (12 рақами бу йилнинг календар ойлари).

Агар меҳнат таътили 24 кун эмас, 18 кундан иборат бўлса, бу ҳолда ҳар бир ишлаган ой учун энди икки кун эмас, балки 1,5 иш кунидан иборат таътил белгиланади (18:12=1,5). Демак, 5 ой ишлаганда 5х1,5=3 кун 14 ой ишлаган бўлса, 14х1,5=21 кун таътил берилади. Ўриндошлик асосида ишлаётганларга меҳнат таътилини асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаб, таътил берилади.



Юқорида биз меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлганлиги учун унга фақат ҳақ тўлаш ҳақида сўз юритдик. Қуйидаги мисолимизда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб ҳақ тўлаш борасида сўз юритаяпмиз. Бу эса ўз ўрнида ўриндошлик асосида ишлаётганларга уларнинг асосий иш жойларидаги таътилнинг давомийлиги ходимнинг ўриндошлик асосида ишлаётган иш жойидан оладиган таътилларнинг давомийлигидан кўп бўлса, уларга ўриндошлик асосида ишлаётган жойида ҳам ана шунча давомийликда (бу ходимнинг шу корхонада қанча ишлаган бўлишидан қатъий назар – бир ойми, ўн ойми ва ҳоказо) меҳнат таътили берилади.

Келинг, яхшиси буни мисоллар орқали кўриб чиқайлик. Масалан, дейлик, асосий иш жойидаги меҳнат таътилининг давомийлиги 24 кун. Ўриндошлик корхонасида у бажараётган иш ёки лавозим учун 15 кун белгиланган ва ходим ўриндошлик корхонасида бор-йўғи 4 ой ишлаганидан сўнг асосий иш жойидан меҳнат таътилига чиқаяпти. Унга ўриндошлик асосида ишлаётган жойидан ҳам 24 иш кунидан иборат таътил берилади, лекин 24 иш кунидан 6 иш кунига ҳақ тўланади. Чунки ходим ўриндошлик корхонасида бир иш йили ишлаганда эди 15 кундан иборат таътил олиш ҳуқуқига эга бўларди. Яъни, ходим бир иш йили эмас, балки 4 ой ишлаганлиги учун 1,25 кундан жами 5 иш кунига ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг илтимосига биноан биринчи иш йилида ишлаётганига 6 ой тўлмасдан ҳам меҳнат таътили берилади. Уларнинг тоифаси эса Меҳнат кодексининг 143-моддасида аниқ санаб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилар:

– аёлларга – ҳомиладорлик ёки туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
– I ва II гуруҳ ногиронларига;
– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
–муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
– ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқиш ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
– технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилаётган ходимларга;
– мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъий назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

**«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ**




### ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАЙДИГАН ТАЪТИЛ

Иш ҳақи сақланмайдиган таътиллар ходимнинг аризасига, яъни унинг эҳтиёжига қараб берилади. Бунда таътил даврининг давомийлиги ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Шуни унутмаслик керакки, бундай таътилнинг икки ҳафтаси, яъни 14 куни, агар корхонада мавжуд ички меҳнат қоидаларида ўзга ҳолатлар кўрсатилмаган бўлса, йиллик меҳнат таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қўшилади. Қолган қисми эса бундай ҳуқуқни бермайди. Меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига биноан бундай таътил муддатидан илгари тўхталиши ҳам мумкин. Шу ерда битта истисно мавжуд. Икки ёшдан уч ёшгача бўлган боласини тарбиялаш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган аёллар хоҳлаган вақтларида бу таътилни тўхтатиб, ишга қайтишлари мумкин. Бундай ҳолатда иш берувчининг розилиги талаб этилмайди.

Амалиётда шундай ҳолатларни учратиш мумкинки, баъзан хомашё ёки маблағ йўқлиги сабабли иш берувчи ходимлардан ариза ёздириб, иш ҳақи сақланмайдиган таътилларга чиқариб юборади. Бундай ҳаракат қонунчиликка тамомила зиддир. Корхона қандай сабабларга кўра иш тўхтаб қолишидан қатъий назар бунда ходимнинг айби бўлмаса албатта, МКнинг 159-моддасига биноан «ходимнинг бекор туриб қолиш ҳолати» – деб тан олинади ва бундай даврнинг муддати учун ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиши керак.

Биз юқорида тарафларнинг келишувига асосан берилиши мумкин бўлган иш ҳақи сақланмаган таътиллар ҳақида сўз юритдик. Энди эса, келинг, худди шу турдаги таътилларнинг берилиши мажбурий бўлган ҳоллар ҳақида тўхталсак. Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатилишича, қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра муқаррар тартибда шундай таътиллар берилади:

– ишлаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига ва 12 ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган аёлларга ҳар йили 14 календар йилига қадар;
– икки ёшдан уч ёшгач бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга боласи уч ёшга тўлгунга қадар.

Бу ерда кўрсатилган даврлар кафолатланган муҳлат ҳисобланади ҳамда ўз ўрнида ходимнинг розилиги, хоҳиши билан қисқартирилиши ёхуд бундай таътилдан умуман фойдаланмаслиги ҳам мумкин.

Мана шу муқаррар тартибда бериладиган иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътилдан ўзгалари, агар иш берувчининг розилиги бўлмаса берилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолатга эса, ўз навбатида ходимга нисбатан меҳнат муносабатларида одатий ҳол деб қаралади.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил даврида ишга қайта чақириб олиш (муддатидан илгари) умумий асосларда амалга оширилади.

– МКнинг 151-моддаси, биринчи қисмида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланиши шарт. Эътибор беринга, мана шу моддада «барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун – дейилган ибора ишлатилган. Батафсил тўхталадиган бўлсак, меҳнат қонунчилигида йиллик таътилнинг умумий давомийлиги 48 иш кунидан кўп бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Бу барча йиллар учун фойдаланилмаган таътилларни жамлаганда 48 иш кунидан ошмаслиги керак дегани эмас. Дейлик, уч йиллик таътил жамланиб қолган бўлса, агар бир йиллик таътилни 24 кундан иборат деб олсак, демак умумий давомийлик 72 кунни ташкил қилади. Бундай пайтда меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса мана шу 72 кун учун ҳақ тўланиши керак. Ана шу йиллик таътил учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори 6-иловасининг «ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби»да кўрсатилганидек пулли компенсация қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқиш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда улар ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказо), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшича иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг Меҳнат кодексида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Яъни, ходимнинг йиллик меҳнат таътили локал ҳужжатларига биноан 18, 24 кун, бир ой ва ҳоказо қилиб белгиланган бўлса, ходим ўз истаги бўйича шу таътилнинг ўн беш иш кунидан юқори қисмини пуллик компенсация билан алмаштириш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи эса бунга амал қилиши шарт. МКнинг 137-моддасида назарда тутилган қўшимча таътиллардан ва 149-моддасида кўрсатилган ижтимоий таътиллардан қуйдаги ходимлар фойдаланиладилар:

– ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;
– болаларни парваришлаш таътиллари;
– ўқиш билан боғлиқ таътиллар;
– ижодий таътиллар.

Шунингдек, МКнинг 152-моддасига асосан, жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимларнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган таътил даврида ходим меҳнат шартномасини унинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантиришнинг қонун ёки тарафларнинг келишуви билан белгиланган муддати тугаган бўлса, қайтариб олишга ҳақли эмас. Меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда кейинчалик меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш шарти билан, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йиғиндиси меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетган тақдирда ҳам, таътил берилиши мумкин. Бу ҳолатда меҳнат шартномасининг амал қилиниши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айби билан бекор қилинган ҳолларда эса, йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилидан асл ҳолида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

# ИШЛАГАНГА – ИМКОНИЯТ КЕНГ

## Президент фармонларини, қарорларини ўқиб...

*(Боши 1-бетда)*

Таъбир жоиз бўлса, бу фақат давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ ва янада қатъийроқ чеклашга қаратилган таъсирчан чора бўлибгина қолмай, айни чоғда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти талабларига хос муҳим тамойил - адолатни одил судлов орқали қарор топтиришни таъминлаш йўлидаги яна бир жиддий қадамдир.

Мазкур фармонда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирдагина - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Мутахассисларнинг фикрича, фармоннинг биргина шу қоидаси хусусий тадбиркорлик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш билан шуғулланадиган, тадбиркорлар иборасича, «ортиқча даҳмаза» бўлган йигирмадан ортиқ назорат органи фаолиятига чек қўяди.

Холисона айтганда, шу пайтгача давраларда, ўзаро суҳбатларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи аксарият ҳамюртларимиз турли текширувчилару тафтишчиларнинг тинимсиз «келди-кетди»си билан боғлиқ оворагарчиликлардан хуноб бўлиб гапирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг: корхонага битта текширувчи келса, аввало, ишлаб чиқариш жараёнига қанча салбий таъсир этади. Шу корхона раҳбари ва ходимларининг неча-неча иш куни, иш соатларидан барака кетади. «Кўнгли нозик, томоғи тешик» тафтишчининг тадбиркорни анча-мунча сарф-харажатга туширадиган баъзи бир «ноз-фироғ»ларини-ку асти қўяверинг.

Ҳатто, аввалига кўтаринки кайфият билан ўз бизнесини очган тадбиркор шу қабилдаги муаммоларга дуч келиб, аниқроғи, топган даромадини нафси ўпқон текширувчиларга едириб, алал-оқибат, фойда олиш у ёқда турсин, бизнесга сарфлаган харажатини ҳам қоплай олмай, ҳафсаласи пир бўлиб, ўзини секингина четга тортган ҳоллар ҳам кўп учрарди.

Маълумки, иқтисодиётда «муқобил текшириш» деган тушунча бор. Фармонда ана шу тушунча амал қиладиган жараёнларга янгича, холисона ёндашилганини кузатиш мумкин. Бундан буён фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Илгари хусусий корхонага муқобил текшириш деган баҳонаю-сабаб билан келган текширувчи бафуржа ўтириб олиб, албатта, «фалон папкани келтиринг, пистончи қоғозлар қани» дея тадбиркорни жон-ҳолига қўймасди. Энди эса муқобил текширишларни ўтказиш чоғида нафақат тадбиркорлик субъектларига бориш, балки улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳам ман этилади.

Президент Фармони билан бу каби бемазагарчиликларга қатъий барҳам берилди, бошқача айтганда, хусусий тадбиркорлик ташаббуси ривожига йўл очмай, уни зулукдек сўриб келган коррупциянинг илдизига болта урилди.

Эндиликда текшириш ҳуқуқини сақлаб қолган ягона идора - давлат солиқ хизмати органлари ҳам ўзларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига зарар етказилгудек бўлса, бундай зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши белгиланди.

Бошқа бир мисол - Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишдан ҳар чоракда тақдим этишга ўтилади.

Бу билан, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ортиқча қоғозбозлик юкидан халос этилган бўлса, иккинчидан, тадбиркорлик соҳасидаги ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини халқаро амалиётга мувофиқ тарзда такомиллаштириш йўлида муҳим қадам қўйилди.

Ушбу қарорнинг яна бир аҳамияти шундаки, унга кўра энди тадбиркорлардан қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўйилмайдиган тартиб жорий этилмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик янада равнақ топишига хизмат қиладиган бундай қоидалар нафақат ушбу ҳужжат, шунингдек, номи юқорида зикр этилган бошқа фармонлар ва қарорларнинг ҳам асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Президентимизнинг ушбу фармонлари ва қарори нафақат бугунги иқтисодиётимиз тараққиётига, балки мамлакатимиз келажагига, халқимиз фаровонлигига эришишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, бу дастуриламал ҳужжатлар давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларида белгилаб берган беш тамойил асосида, муайян натижани кўзлаб, босқичма-босқич ва тўхтовсиз амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимиз изчиллигининг ўзига хос мезонидир.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## *Спорт хабарлари*

### РОССИЯ АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Италиянинг Флоренция шаҳрида уч кун давомида енгил атлетика бўйича жамоавий Европа Кубоги баҳслари ўтказилди. Мусобақанинг учинчи кунида 15 та медаллар мажмуаси учун баҳс юритилди. Россиялик спортчилар 4 та 1-ўринни, 3 та иккинчи, 3 учинчи ўринни қўлга киритдилар. Россиялик спортчи қизлар 4х400 метр эстафета югуришида, ядро ирғитишда (Ольга Рябинкина) ва 1500 метрга югуришда (Юлия Чиженко) ғалаба қозондилар. Баландликка сакрашда Татьяна Кивимяги ғолиб чиқди. Эркаклар ўртасида россиялик спортчилар иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритиш билан кифояландилар. Аёллар мусобақасида 131,5 очко тўплаган Россия спортчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Польшанинг аёл спортчилари 94 очко тўплаб иккинчи ўринни эгалладилар. 93 очко тўплаган Германия қизлари эса учинчи ўринни банд этишди.

Эркаклар ўртасида Германия спортчилари 113 очко тўплаб биринчи ўринни эгалладилар. Франция 104 очко тўплаб иккинчи ўринга кўтарилди. Италиялик спортчилар эса 98 очко билан учинчи ўринни банд этдилар.

Россиянинг эркаклар терма жамоаси 88 очко тўплаб тўртинчи ўринда қолиб кетишди.

### “КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ - 2005”

Япония Грецияни, Мексика эса Бразилияни мағлуб этди. "В" гуруҳида иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Осиё чемпиони Япония термаси Европа чемпиони Грецияни 1:0 ҳисобида ютган бўлса, Мексика жаҳон чемпиони Бразилияни худди шундай ҳисобда мағлуб этди. Япония - Греция учрашувида 76 дақиқада Огуро чемпионлар дарвозасига киритган тўп учрашув тақдирини ҳал этди ва Японияга ғалаба келтирди. Иккинчи турдан сўнг "В" гуруҳида Мексика 6 очко тўплаб пешқадамлик қилмоқда. Бразилия ва Япония 3 тадан очкога эга. Европа чемпиони Греция эса икки учрашувда мағлубиятга учраб бирорта очкони қўлга киритмаган.

### ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ ТЎЛИҚ ТАРКИБИ АНИҚЛАНДИ

Нуфузли мусобақада 2005 - 2006 йилги мавсумда қатнашадиган жамоалар учта саралаш босқичи ва гуруҳ босқичида баҳсларни бошлайдилар. Мусобақанинг биринчи саралаш босқичида чемпионлар лигасининг чемпиони "Ливерпул" ҳам қатнашади. Саралаш босқичи ғолибларига иккинчи босқичда яна 17 та жамоа қўшилиб мусобақаларни давом эттирадилар.

Биринчи ва иккинчи саралаш босқичларига 24 июнда қуръа ташланади. Учинчи раунд иштирокчиларини аниқлаш эса 29 июлда бўлади.

Гуруҳ баҳсларига қуръа ташлаш 25 августга белгиланган.

Мусобақанинг финал учрашуви 2006 йил 17 майда Париждаги "Стад де Франс" стадионида бўлиб ўтади.

* * *

Мадриднинг Реал жамоаси июл ойида Япония клублари билан икки учрашув ўтказади ва ўзининг Осиё сафарини бошлайди. Улар "Токио Верди" ва "Джубило Ивата" майдонида тўп суради. Улар Осиё сафарини ўтказиб, навбатдаги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборадилар. Шунингдек, Италиянинг "Ювентус" ва Германиянинг "Бавария" клублари ҳам янги мавсумга тайёргарликни Япония клублари билан баҳслашиб ўтказмоқчи.

**Т.ЮСУПОВ тайёрлади**

**ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» сообщает информацию о раскрытии существенных фактах годового общего собрания акционеров по итогам 2004 года**

**ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР - 08**

Указание обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг -

выплата годовых дивидендов по итогам 2004 г. по простым акциям;

Указание срока исполнения обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг – начала выплаты 21 июня;

Срок выполнения обязательства перед владельцами ценных бумаг – 31 дней;

Конечная дата исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг – 21 июля.

***Санъат***

**Мусиқий тарбия ҳам умумтаълим тизимининг бир бўлаги ҳисобланади. Давлат таълим стандартлари талабларини бажариш учун вилоят мактабларида (ҳатто республика бўйича ҳам) қандай муаммоларга дуч келинаётганлиги тўғрисида холисона фикр юритиш давр тақозосидир.**

# ЧОЛҒУ КЎТАРГАН БОЛА

## унинг иқтидори кутилган даражадами?

Зеро, ютуқлар ўзимизники. Биз фақат ютуқлар билан мағрурланиб юрмасдан ишимизда учраётган хато-камчиликлар ва унга сабабчи бўлаётган омилларни бартараф қилиш чора-тадбирларини қидирмоғимиз зарур.

Бошқа фанлар қатори ўрта умумтаълим мактабларида "Мусиқа маданияти" фанини ўқитишда ҳам ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар борки, бу масалаларга алоҳида тўхталиш зарур.

Муаммоларнинг асосийларидан бири соҳада кадрлар танқислиги масаласидир.

Вилоятимизда мавжуд 450 га яқин умумтаълим мактабларининг атиги 20 - 25 фоизида олий маълумотли мусиқа ўқитувчилари ишлашини ҳисобга олсак, ҳақиқий аҳволнинг қай даражада экани равшанлашади. Мавжуд мактабларнинг 30 - 35 фоизида ўрта махсус маълумотли кадрлар ишлаётир. Аксарият мактабларда умуман мусиқий маълумоти йўқ ўқитувчилар дарс бериши масалани боши берк кўчага олиб кириб қўймоқда.

Баъзи мактабларда дарс соати кам ўқитувчиларга мусиқа дарслари қўшиб берилмоқда. Бу эса "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, шунингдек, ДТС талабларига мутлақо зиддир.

Демак, ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири мактаб ва болалар боғчаларини мусиқа мутахассислари билан таъминлашдир.

Муаммоларнинг яна бири кадрлар қўнимсизлигидир.

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги ва ДТС ўқув режаларига мувофиқ ҳар бир синфда "Мусиқа маданияти" дарси ҳафтасига бир соат, йиллик ўқув соати 34 соатни ташкил қилади. Шаҳарда халқ зич яшаганлиги сабабли ўқувчилар сони ҳар бир мактабда минг ва ундан зиёдни ташкил қилади ва натижада параллел синфлар сони кўпаяди.

Синфлар сони кўпайиши билан дарс соатлари миқдори ҳам ўз-ўзидан кўпаяди. Ўрта умумтаълим мактабларида бир ставка дарс 800 соатни ташкил қилишини назарда тутсак, ўқитувчи бир ставка дарс соати билан таъминланиши учун камида 24 - 25 синфга дарс беришига тўғри келади. Ҳамма мактабларда ҳам 1 - 7 синфлар 24 - 25 та синфни ташкил қилмайди, кўпчилик мактабларда дарс соатлари 10 - 15 соатдан ошмаганлигини ҳисобга олсак, мусиқа ўқитувчисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ойдинлашади. Улар ўз-ўзидан бошқа иш билан шуғулланишга мажбурдир. Бундай шароитда ўқитувчидан қандай қилиб ўқувчиларда мусиқий эстетик дунёқарашни шакллантириш ёки миллий ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, миллий куй ва қўшиқларимизга муҳаббат уйғотишини талаб қилишимиз мумкин.

Демак, кадрлар қўнимсизлигини ҳал қилиш учун ўқитувчининг дарс соатларини кўпайтириш ва уларнинг бир мактабда ишлашига эришиш зарур.

Асосий муаммолардан яна бири мактабларда ўтказиладиган байрам тадбирлари ва уни маблағ билан таъминлаш масаласи.

Ўз ишидан, олаётган маошидан қаноатланмаган мусиқа ўқитувчисининг зиммасига мактаб маъмурияти байрам тадбирларини ўтказишни ҳам юклайди. Аксинча, бу тадбирларга мактабларнинг барча педагог кадрлари ва раҳбарлари баравар бош қўшишлари керак.

Ҳар бир байрам ўзига хос маъно, моҳиятга эга, улар бир-бирини такрорламайди. Шундай экан, бир байрамга бағишлаб тайёрланган концерт дастуридан бошқа тадбирда фойдаланиб бўлмайди. Демак, мусиқа ўқитувчиси ҳар бир байрамнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб дастур тузади ва шу дастур асосида тадбирга тайёргарлик кўради.

Маълумки, мактабларда тўгаракларни ташкил қилишдан мақсад, иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш ва қўшимча шуғулланиш, фаннинг дарсда ўтиб улгура олмаган айрим жиҳатлари билан қўшимча таништириш ва шу фан бўйича иқтидорли, билимдон, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолибларини тайёрлаб етиштиришдир. Зинҳор байрам тадбирларига тайёргарлик эмас!

Бу ҳам етмагандай тўгаракларга ажратилган соат ҳам йилдан-йилга камайиб, ҳозирда бор-йўғи 4 соатни ташкил қилмоқда.

Ҳар йили умумтаълим мактаблари ўртасида "Санъат байрами" кўрик-танлови ўтказилади. Қайси жанрлар бўйича тайёргарлик кўриш вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан белгиланиб, мактабларга тарқатилади. Бу кўрик-танловнинг ҳам бутун масъулияти мусиқа ўқитувчиси зиммасига тушади.

Маълумки, Мустақилликка эришгач дунёқарашимиз ҳам, мафкурамиз ҳам ўзгарди. Энди бизга ўз халқимизни, унинг ўтмиши ва келажагини, табиий ва миллий бойликларини, инсонийликни тараннум қиладиган, улуғлайдиган мусиқий адабиётлар керак. Бу адабиётлар борми? Бор бўлса, етарлими? Тўғри, барча синфлар бўйича мусиқа фанидан дарслик китоблар чиқарилди, лекин бу дарсликлар етарли эмас. Дарсликка киритилган мусиқа асарлари мураккаб бўлиб, уни ўзлаштириш ва ўқитиш учун ўқитувчи кўп йиллик мусиқий маълумотга эга, ноталарни қийналмай ўқийдиган ва ижро эта оладиган бўлиши лозим. Мактабларда мусиқа маданияти дарсларининг савиясини янада ошириш учун қўшимча қўшиқлар тўплами чиқариш зарур.

"Мусиқа маданияти" фанини ўқитиш учун ҳар бир мактабда маълум миқдорда чолғу асбоблари бўлиши зарур. Маълумки, ДТС асосида ишлаб чиқилган дастурда мусиқа тинглаш учун алоҳида сўз юритилган ва тингланадиган мусиқаларнинг тахминий репертуари ҳам кўрсатилган. Унда айтилишича, 5-синф йиллик мавзуси бастакорлар ёзган хор, оркестр, опера, балет, романс, концерт, кантата, оратория, симфония ва бошқа жанрлардаги асарларни болаларга тинглатиш ва уларнинг мазмуни, бир-биридан фарқли томонлари тўғрисида ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш назарда тутилади. Техника воситалари ҳисобланган пластинка, магнитофон, магниттасма, видеоикилик, видеокассеталарсиз бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, мелцель метроми, камертон, эпидоскоп, диоскоплар дарснинг мусиқа назариясига оид қисмини болаларга тушунтириш учун зарурий воситалардир.

Умумтаълим мактабларида бир ёмон анъана мавжуд. Яъни фанларга биринчи даражали ва иккинчи даражали деб қараш анъанаси. Албатта, мусиқа фани ўқитувчисига ўтган дарсига қараб эмас, тадбирлардаги иштирокига баҳо берилгач, мана шундай дунёқараш вужудга келади. Натижада кўпгина ҳолларда мусиқа ўқитувчисининг алоҳида хонаси бўлмай, чолғу асбобини кўтариб, (агар у бор бўлса ёки ўқитувчи шу чолғуни ижро эта олса, акс ҳолда чолғу асбобисиз дарсни ўтадиганлар кўплаб топилади), ҳали бу хонага, ҳали у хонага боришга мажбур бўлади. Дарсга оид адабиётлар сумкада, кўргазмали қуроллар ва бошқа воситалар у ёки бу хонада ётади.

Ваҳоланки, мусиқа хонаси кенг, ёруғ, озода, турли мусиқий адабиётга доир кўргазмали қуроллар, техника воситалари, чолғу асбоблари, пластинкалар, магниттасмалар, мусиқа адабиётлари, тарқатма материаллар билан жиҳозланган бўлиши, болалар марш садолари остида дарсга кириб келиши, Ўзбекистон Давлат Мадҳиясини жўрликда куйлаши лозим. Мусиқа хонасида албатта миллий чолғу асбоблари билан бирга фортепиано бўлиши шарт. Чунки кўп овозли қўшиқлар фортепиано жўрлигида ўргатилади. Дарслар "Мусиқа маданияти" фани учун ажратилган ана шундай хоналарда ўтиши керак.

Биз юқорида мусиқа маданияти дарсларида миллий чолғу асбобларидан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритдик. Хўш, бу чолғу асбоблари мактабларимизда борми? Мактабларимиз охирги марта қачон чолғу асбоби билан таъминланди. Бу саволларга жавоб бериш осон эмас, (чунки чолғу асбоблари айрим мактаблардагина қолган, улар ҳам фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб). Кейинги даврда эса мактабларга чолғу асбоблари етиб келмади ҳисоб. Тошкент шаҳридаги миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқарувчи фабрика ҳам деярли ишламаяпти. Буни вилоятимиздаги бирорта савдо шоҳобчасида чолғу асбоблари сотилмаётганлигидан билса бўлади. Бундан ташқари, вилоятимизда бирорта чолғу асбобларини таъмирловчи устахонанинг йўқлигини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Мусиқа маданияти фанини ўқитишда учраётган йирик муаммолардан яна бири, ДТС талаблари бўйича мусиқа маданияти фани мусиқанинг барча жабҳаларини қамраб олиши, яъни унда композиторлик ва бастакорлик асарларидан миллий куй ва қўшиқлар, ҳатто мақомларгача қамраб олиниши, мусиқа ўқитувчиларининг эса бундай кенг кўламда билимга эга эмаслиги масаласидир.

Маълумки, мусиқа билим юртлари, маданият институти, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси, санъат институти кадрларни бир ихтисослик бўйича тайёрлаб чиқаради. Масалан, Хор дирижёрлиги бўйича битирган мутахассис, хор санъатининг нозик қирраларигача билиши, оркестр дирижёрлиги мутахассислиги эса, оркестр санъати, уни тузиш, бошқариш ва ҳоказоларни яхши билади. Бу ўрта мактаблар 5-синф мавзусига тўғри келганлиги учун асқотиши мумкин, аммо 6 - 7 синфлар мавзуси миллий куй ва қўшиқларимиз, мақом санъати тўғрисида бўлганлиги, улар эса бу борада билим олмагани, айниқса, мақомни билмаслиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Аксинча, мақом санъати ва анъанавий ижрочилик бўлимларини битирган мутахассислар хор ва оркестрдан бехабар.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар ўз ечимини топмас экан, ўрта умумтаълим мактабларида "Мусиқа маданияти" фанини ўқитиш борасида ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Бу муаммолар билан жиддий шуғулланиш вақти етди.

**А. НОРМАТОВ,**
**А. Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти кафедра мудири**
**Б. ҚУЛЖОНОВ,**
**ўқитувчи**

***Ёз гашти***





**И.ХАСАНОВ олган суратлар**

***Бир ўлкаки***

**«Омонхона муқаддас булоғи» масъулияти чекланган жамияти Бойсун тоғининг сўлим ва хушманзара масканида жойлашган. Мазкур корхона иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин довруғи республикамиздан ташқарига чиқиб улгурди.**

# ОМОНХОНА БУЛОҒИ

Омонхона суви табиий хусусиятларга жуда бой. Унинг таркибида инсон организми учун фойдали кўплаб микроэлементлар мавжуд бўлиб, юқори даражада ўт сурувчи, пешоб ҳайдовчи ҳамда қон босимини туширувчи кучга эга. Санитария-бактериологик кўрсаткичлари эса талаб даражасига тўла жавоб беради. Сурункали гепатит (сариқ касаллиги), сурункали холицистит (ўт пуфаги ва йўлларининг яллиғланиши), ошқозон-ичак тизимида учрайдиган хасталиклар, қандли диабет, ошқозон ости безининг яллиғланиши, хафақон (қон босими) касалликларини даволашда Омонхона сувининг фойдаси катта. Бундай таркибли обҳаётда инсон ички аъзоларини, айниқса, жигар, ўт пуфак йўлларини тўлиқ ювиш қуввати мавжуд.

Бу ерда кунига 9 минг дона идишда тайёр ичимлик суви ишлаб чиқарилмоқда. Юқори сифатли маҳсулотлар пешма-пеш ўз харидорини топмоқда.

– Тоғ ён бағридан оқиб чиқаётган табиий сувни махсус қувурлар орқали сув тўплаш ҳавзасига олиб келиб, замонавий технология асосида маҳсулот тайёрлаяпмиз, – дейди биз билан суҳбатда цех бошлиғи Асқар Эшмуродов.

Бу ерда ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Улар икки маҳал бепул иссиқ овқат, махсус кийим-бош, дори-дармонлар билан таъминланмоқда. Ишчилардан Мурод Ҳалимов, Одил Абдуллаев, Баҳром Шарипов, Ғулом Бобохоновлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Тайёр маҳсулотларни сақлаш учун Тошкент ва Термиз шаҳарларида ҳамда Бойсунда омборхоналар ташкил этилган. Мижозлар истаган вақтларида харид қилиш имкониятига эга. Цех бошлиғининг таъкидлашича, келгусида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Боиси, мижозлар сони кун сайин ошиб бормоқда.

Корхона жамоаси ўз даромадлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар ва ногиронларга мурувват ёрдами кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ўз ҳомийлигига олган. Жамоа вакиллари бу ерга тез-тез ташриф буюриб, болажонларга совға-салом улашадилар.

**А. РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ОРОМГОҲЛАРДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш сермазмун ўтишини таъминлаш, ҳордиқ чиқараётганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда спорт турларини оммавийлаштириш мақсадида саломатлик спартакиадаси ўтказилмоқда.

Ана шундай беллашувлардан бири Пскент туманидаги «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди. Унда оромгоҳда дам олаётган 500 нафардан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди. Қатнашчилар спортнинг футбол, волейбол, сузиш, арқон тортиш, шахмат, шашка, стол тенниси каби турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Қизғин баҳсларга бой бўлган спартакиадада ўн тўрт жамоа ўртасида бешинчи гуруҳ йигит-қизлари ғолиб чиқди.

# БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт саройида эркаклар ўртасида баскетбол бўйича олий ва биринчи лига жамоаларининг Ўзбекистон чемпионати финал босқичи якунланди. Унда мамлакатимизнинг 12 та баскетбол жамоаси қатнашди.

Қизғин курашларга бой бўлган баҳсларда Тошкентнинг Марказий ҳарбий спорт клуби жамоаси Ўзбекистон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Тошкент давлат техника университети ва Навоийнинг «Южанин» жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди. Ғолибларга ҳомийларнинг соврин ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

***Болалар спорти***

# МИЛЛИЙ ЯККАКУРАШ ТЎГАРАГИ

Кейинги пайтда болалар спортига алоҳида эътибор берилаяпти. Мактаб, боғча, маҳаллаларда спорт тўгараклари ташкил этилмоқда. Ана шундай тўгараклардан бири Тошкент шаҳридаги Чилонзор туманида жойлашган. Бу ерда «Турон» миллий якка кураш тўгараги 1991 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаяпти. Унга мураббий Алишер Ашуров раҳбарлик қилмоқда. Айни пайтда 30 нафар бола миллий якка кураш сир-асрорларини қунт билан эгалламоқда. Улар орасидан чемпионлар ҳам етишиб чиққан. Рихситилла Олимжонов икки карра, Ҳусниддин Сиддиқов 1 карра, Ҳилола Нишонбоева 3 карра чемпион бўлишди.

– Сафимиз тобора кенгаймоқда, - дейди мураббий Алишер Ашуров. – Дастлабки пайтлари саноқли 5-6 нафар бола билан тўгарак ташкил этган бўлсак, бугунга келиб уларнинг сони 30 дан ошиб кетди. Ниятимиз болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдир.

**Н.БЎРИБОЕВ**





**Суратларда: тўгарак қатнашчиларидан бир гуруҳи; 3 карра чемпион Зилола Нишонбоева.**

***Ибрат***

# УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Шундай учрашувлар бўладики, бир умр эслаб юрасан, киши. Дарвоқе, уч авлод учрашуви, синфдошлар учрашуви, пири-бадавлатлар учрашуви, дўстлар учрашуви... Ҳар қандай учрашув замирида қалбларни жунбушга келтирувчи аллақандай интиқлик ётади ва табиийки, таассуротлар ҳам шунга яраша бўлади.

Денов туманининг Алишер Навоий номли ўрта умумтаълим мактабидаги учрашув – бундан ярим аср аввал мактабни битирган синфдошларнинг олтин давр учрашуви ҳам бундай кечинмалардан мустасно эмас.

Юзларидан нур ёғилиб ўтирган синфдошларга қараб, умр – оқар дарё эканлигига беихтиёр имон келтирасан. 70 ёшни қоралаган Ўроз Пардаев, Карим Тоштемиров бир умр дала кезди, 40 йилга яқин бригадир бўлди ва Истиқлол йиллари фермерликни бошлаб берган бободеҳқонлар ҳам шулар бўлди.

Олий маълумотли, узоқ йиллар (қарийб 45 йил) ёшларга илм-маърифат ўргатган Менгбой Абдиев, Расул Шомуродов, Мусо Маматов таълим берган ёшлар нафақат Сурхондарё вилояти, балки мамлакатимиз турли бурчакларида ҳам жавлон уриб ишламоқдалар.

Дарҳақиқат, устозга таъзим, уларга умрбоқийлик тилаш одат тусига кирганлигини даврлар силсиласидан ҳозиргача ва келажакда ҳам давом этишини бош эгиб эътироф этамиз, қуллуқ қилиб, устозларнинг сиҳат-саломатлигини тилаб қоламиз.

Улар 58 нафар эди! Ҳозир 40 нафари йиғилишди... Хотирланди. Ўтганларнинг охиратини берсин, дея тиловат қилинди. Шундай муқояса бўлдики, шу йил, шу мактабни 40 нафар ёшлар битиришди ва улар 40 нафар – ярим аср олдин мактабни битирган катта устозларига ўз дил сўзларини изҳор қилишди, Ўзбекистонимиз истиқболи учун ҳамиша фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини сидқидилдан изҳор этишди.

40 нафар синфдош ўзлари бир вақтлар ўқиган синфхонада бир зум ўтиришди, ўқиш йилларини эслашди. Айниқса, устози Сафар Қулматов (ўша даврда номи маорифчилар орасида тилга тушган истеъдодли математик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган педагог) кўпроқ тилга олинди. Хотира – бу ўтмиш, бугуннинг акс-садоси, келажак тимсоли. Инсон хотираси ва қадри ҳамиша муқаддас ҳамда эъзозадир.

Ўзбекистон ФА Илмий-ўқув Маркази директори, академик Назар ака Тўраевнинг ҳаёти, турмуш тарзи ибрат бўларли. Интилувчан, изланишга ўта мойил Назар ака 1960 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан битириб, Тошкентга келди ва академиклар – Убай Орипов ва Содиқ Азимовлар устозлигида улкан физика оламига дадил қадам ташлади...

Ҳозир академик, олти фарзанднинг меҳрибон отаси. Уч нафар фарзанди фан номзоди. Гап асносида, ҳурматли домла қизи Нигорахон физика-математика фанлари номзоди (полимерлар физикаси бўйича) докторлик ишига нуқта қўйганини айтганларида, синфдошлари уни чин дилдан қутлашди.

Академик ўзи ўқиган мактабга телевизор, энциклопедия (сўнгги жилди), 20 га яқин "Физика" дарслигини тақдим қилди. Қолган синфдошлар ҳам ўз бисотларидан китоблар (мактаб кутубхонаси учун), қимматбаҳо буюмлар ҳадя қилишди.

Ушбу учрашувдан сўнг вилоят телерадио компанияси раиси, фан номзоди Ўрол Сафаров бизга икки хабарни етказди. Битирувчилар нафақада бўлишлари билан бирга, маҳаллий касаба уюшмаси томонидан доимо ғамхўрлик қилинаётгани, касаба уюшмалари ҳисобидан "Жайрахона" санаторийсида дам олишганини ва Н.Тўраев ўқиган мактабда "Академик Тўраев синфхонаси" ташкил қилинганини маълум қилди.

**К.НОРМАТОВ,**
**профессор**

# БОШҚАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг болаларни парвариш қилиш, овқатлантириш ва улар ўртасида хасталаниш ҳамда ўлимни камайтиришга оид тавсияларни тарғиб қилиш бўйича ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда.

Болаларда кўп учрайдиган ўткир респиратор вирусли инфекциялар ва диареяларни камайтириш бўйича тайёрланган йўриқнома ҳам юзага келди.

«Янги туғилган чақалоқларни парвариш қилишни яхшилаш» деб номланган дастур ҳам яратилди. Бундан ташқари, «Жисмоний тарбия билан шуғулланиш болалар ва ўсмирлар соғлиғи ва гармоник ривожланишининг тиббий асослари» номли қўлланма ҳам чоп этилди.

**А.АЛИЕВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 14198 Буюртма Г— 516 1 2 3 4 5 6